



МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИНГ  
ХОЗИРГИ ҲОЛАТИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

PhD **Миролимов Мирислом Миршокир ўғли**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0003-2714-2618

[mirislom.mirolimov3138@gmail.com](mailto:mirislom.mirolimov3138@gmail.com)

**Хусниддинова Муниса Жамолиддин қизи**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0007-3935-573X

[munisahusniddinova9@gmail.com](mailto:munisahusniddinova9@gmail.com)

**Аннотация.** Ушбу мақолада республикамизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати, халқаро инвестицияларни жалб қилиш тизими, улар учун яратилган шартшароитлар, иқтисодиётга ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган инвестицияларнинг статистик таҳлили ҳамда соҳадаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, инвестицион мұхит, халқаро инвестиция, ишсизлик, иқтисодиёт, ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган инвестициялар, самарали мөхнат, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, яшил иқтисодиёт, ахборот технологиялари.

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В  
ЭКОНОМИКУ НАШЕЙ СТРАНЫ

PhD **Миролимов Мирислом Миршокир угли**

Ташкентский государственный экономический университет

**Хусниддинова Муниса Жамолиддин кизи**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В данной статье представлена инвестиционная политика, реализуемая в нашей республике, система привлечения международных инвестиций, условия, созданные для них, статистический анализ ассигнованных и нераспределенных инвестиций в экономику, а также практические предложения и рекомендации по устранению проблем и выявлены недостатки в этой области.

**Ключевые слова:** инвестиции, инвестиционный климат, международные инвестиции, безработица, экономика, капитализированные и некапитализированные инвестиции, эффективный труд, социально-экономическое развитие, зеленая экономика, информационные технологии.

**STATISTICAL ANALYSIS OF THE CURRENT STATE OF INVESTMENT IN  
THE ECONOMY OF OUR COUNTRY**

PhD **Mirolimov Mirislom Mirshokir ugli**  
*Tashkent State University of Economics*  
**Khusniddinova Munisa Jamoliddin kizi**  
*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** This article presents the investment policy implemented in our republic, the system for attracting international investments, the conditions created for them, a statistical analysis of absorbed and unabsorbed investments in the economy, and practical proposals and recommendations for eliminating problems and shortcomings in the field.

**Keywords:** investment, investment environment, international investment, unemployment, economy, absorbed and unabsorbed investments, productive labor, socio-economic development, green economy, information technologies.

**Кириш.**

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлаш, иқтисодий тармоқлар фаолиятини кенгайтириши ва янгилаши учун инвестицияларга зарурат сезади. Инвестициялар корхоналарни ривожлантириш, мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бош омилларидан биридир. Шундай экан, мамлакат иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги қунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги қунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги глобаллашув шароитида, жаҳон иқтисодиётига киритилган инвестициялар, инвестициялардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хатарлар ва таваккалчиликнинг ноаниқлиги сабабли ишлаб чиқариш қувватларининг чекланишига ва инвестициялар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан, ушбу соҳадаги муаммоларни олдиндан билиш, глобал рақобатбардошликни ошириш ва корхонанинг барқарор ўсишини таъминлаш учун илмий асосланган чораларни ишлаб чиқиш учун - инвестициялар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ҳар томонлама таҳлил қилишда асосий тенденция ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш соҳаси ўртасида инвестицияларни тўғри тақсимлаш масаласи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида «инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш» 2 масалалари белгилаб берилган. Бундай вазифаларнинг самарали ҳал этиш ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш орқали иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар йўналиши ва тақсимланишини эконометрик моделлаштириш услугиятини илмий-методологик асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-459-сонли қарори ҳамда 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида” ги ПҚ-72-сонли қарорида (Қарор, 2022) ҳам Республика иқтисодиёти тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори қўшилган қийматли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, шунингдек, жойларда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида қатор вазифалар белгилаб берилган.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Самарали инвестиция ечимини танлаш муаммоси жуда мураккаб ва молиявий ва инвестицион таҳлил соҳасида чукур билимларни талаб қиласди. Ўзбекистон шароитида инвестицияларни иқтисодий баҳолаш кўплаб ўзгарувчан омилларни ҳисобга олиш зарурати туфайли мураккаблашади: инфляция, солиқ солиш, ўзига хос хатарлар, иқтисодий бекарорлик, пул оқимларини прогноз қилишнинг мураккаблиги ва бошқалар. Шу сабабли инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги бир неча мезонлар ва бир нечта усуllар билан баҳоланиши керак (Қарор, 2022).

Байхонов, Бустонов, Маҳмудовлар (2021) ўзларининг Инвестициялар таҳлили номли дарслкларида иқтисодиётни рақобатдошлигини ошириш шароитида инвестицияларнинг роли тобора ортиб бормокда. Уларнинг амалга оширилиши эса, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини кучайтириш, таннархи ва энергия истеъмолини пасайтириш, хусусий инвестициялар оқимини кўпайтириш, янги бозорларни ташкил этиш имконини беради деб таъкидлайдилар.

Рахматуллаевнинг (2022) фикрича замонавий молия бозорини барқарор ривожланишини таъминлашда компанияларнинг ўз маблағларини шакллантириш ва уни прогноз қилиш мухим аҳамият касб этади. Хусусан, ривожланган мамлакатлар компанияларининг соф фойдасини прогноз қилишда ўз маблағлари ва қарз маблағларини шакллантириш усуllаридан кенг фойдаланилмоқда.

Пардаев, Холиқулов, Жумаеваларнинг (2019) фикрича, инвестиция натижасидан инвестор, тадбиркор, давлат ва аҳоли, яъни жамият манфаатдор. Инвесторнинг манфаати унинг инвестиция қўйганлиги учун оладиган фойдасида, тадбиркорнинг манфаати бирорнинг маблағини ўз фаялиятига жалб қилиб кўп фойда олиб бир қисмидан ўзи ҳам манфаатдор бўлишида, давлатнинг манфаати эса, шу жараён натижасида олинган фойдадан солиқ олишида, аҳолининг манфаати истеъмол бозорининг маҳсулот (иш, хизмат) билан тўлишида намоён бўлади.

Абдурамоновнинг (2018) таъкидлашича чет эл инвестициялари Ўзбекистон Республикаси худудида турли шакл ва усуllарда амалга оширилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргалиқда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банклар, сұфурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг низом жамғармалари ва бошқа мулкида хиссадорлик асосида иштирок этишидир.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида инвестицияларни ривожлантириш бўйича хорижий давлатларнинг илфор тажрибалари ўрганилди. Халқаро инвестиция сиёсати ва

иқтисодиётга ўзлаштирилган инвестициялар ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини статистик тадқиқ этиш усуллари, хорижий инвестицияларни иш билан бандлик даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш айниқса туризм соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурати асосланди. Модомики, меҳнат бозори инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш вазифасини ҳал этишнинг бирдан-бир асосий масаласи бўлиб, ҳам ишсизлар, ҳам иш билан банд бўлган, лекин асосий иш жойини ўзгартиришни хоҳлайдиган меҳнат бозори қатнашчилари ҳисобланади. Ҳозирги вақтда меҳнат бозорида иш билан бандликнги таъминлашда инвестицияларни тутган ўрни ҳамда инвестицион жозибадорликни ошириш йўллари статистик тадқиқ этилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Турли хил солиқ имтиёzlарининг берилиши мамлакатда инвестиция фаоллигини солиқлар билан рағбатлантиришнинг асосий йўналиши бўлиши керак, яъни барча солиқ имтиёzlари асосий мақсадга – инвестиция муҳитини муваффақиятли амалга ошираётган солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбурияти миқдорини қисқартиришга қаратилган. Банклар инвестиция муҳитини рағбатлантириш мақсадида уларнинг солиқ мажбуриятларини тўғридан-тўғри камайтириш билан бирга, солиқ мажбуриятларини қисқартирувчи билосита механизмлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Илғор ахборот-коммуникация технологияларининг бошқарув жараёуига энг аввало, тижорат банклари тўлайдиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи каби солиқларга нисбатан амалга оширилиши керак. Чунки, солиқларнинг ана шу турлари Ўзбекистон Республикасида солиқ тушумларини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

### **1-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўзгариши**

<b>Худудлар</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>	<b>2021</b>	<b>2022</b>	<b>2023</b>	<b>2023 йил 2019 йилга нисбатан ўзгариши</b>	<b>(+ ; -)</b>	<b>(%)</b>
Ўзбекистон Республикаси	195927,3	210195,1	239552,6	266240	356071,4	160144,1	181,7	
Қорақалпоғистон Республикаси	8750,6	7089,8	8110,7	10254	12959,2	4208,6	148,1	
Андижон вилояти	7452,1	9622,6	11176,6	14339,8	18639,1	11187	250,1	
Бухоро вилояти	10366,6	12183,9	20528,3	21638,3	31030,5	20663,9	299,3	
Жizzах вилояти	7900,9	12545,4	9233,6	10373,9	14970,9	7070	189,5	
Қашқадарё вилояти	24462,5	20557,6	17359,1	16012,8	21138	-3324,5	86,4	
Навоий вилояти	17646,3	15688,4	15020,1	17958,1	26398,6	8752,3	149,6	
Наманган вилояти	12084,9	12007,2	12982	14775,1	19220,1	7135,2	159,0	
Самарқанд вилояти	10266,7	14656,4	15641,6	18917,1	25717,1	15450,4	250,5	
Сурхондарё вилояти	11835,1	10068,2	12037,8	11569,4	18307,7	6472,6	154,7	
Сирдарё вилояти	5869,1	7191,9	8051,8	12354,6	15871,8	10002,7	270,4	
Тошкент вилояти	20353,9	21148,6	28113,6	35767,7	47709,3	27355,4	234,4	
Фарғона вилояти	8685,4	11040	12625,2	15419,3	19955	11269,6	229,8	
Хоразм вилояти	5032	5391,8	8292	8769,7	11666,1	6634,1	231,8	


**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги бўйича маълумотлари асосида тузилган (Stat.uz).

Амалиётда қўшилган қиймат солиғи умуман инвестиция муҳитини рағбатлантириш воситаси сифатида қўлланилмайди. Мазкур солиқ инвестиция фаоллигига фақат бевосита таъсир қиласди. Шу муносабат билан Ўзбекистон

Республикасининг тегишли йил учун белгиланган Давлат инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳалари тўғрисида гап борган ҳоллардагина, шунингдек маҳсус солиқ кредити берилган чоғда ҚҚСга доир имтиёзларни бериш билан чекланиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҚҚСга доир имтиёзларни беришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни таклиф этиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг инвестиция солиқ кредити тўғрисидаги қоидалари дахл қиласидаги ускуналарнинг барча турларига нисбатан солиқнинг нолинчи ставкасини жорий этиш мақсадга мувофиқdir;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган инвестиция товарлари барча турларига (масалан, ускуналар, машиналар, патентлар ва бошқаларга) нисбатан нолинчи ставкани белгилаш зарур.

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, асосий капиталга киритилган инвестициялар 2019 йилда 195927,3 минг сўмни такил этган бўлса, 2023 йилда 356071,4 минг сўмни ташкил этиб, 2023 йил 2019 йилга нисбатан 160144,1 минг сўмга ёки 81,7 % га ўсган. Республикамиз бўйича энг юқори ўсиш суръати Бухоро вилоятига тўғри келиб, 20663,9 минг сўмнга ёки 199,3 % га ўсган. Қашқадарё вилаяти эса аксинча -3324,5 минг сўмга ёки 13,6 % га камайган эканлигини кўришимиз мумкин бўлади. Шу билан бирга даромад солиғи бирмунча муҳим ва жуда кўп фойдаланиладиган тартибга солиш воситаси эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур.




**1-расм. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби, % да (2024 йил маълумотлари асосида)**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий веб сайти.

Жами капиталга инвестициялар 493,7 трлн. сўм, кафолатланмаган хорижий инвестиция ва кредитлар 159,6 трлн. сўм ёки 32,3 % ни, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар 150,5 трлн. сўм ёки 30,5 % ни, корхона маблағлари 87,0 трлн. сўм ёки 17,6 % ни, аҳоли маблағи 32,0 трлн. сўм ёки 6,5 % ни, Ўзбекистон республикаси кафолати остида хорижий инвестициялар 23,6 трлн сўм ёки 4,8 % ни, Республика бюджети 22,8 трлн. сўм ёки 4,6 % ни

Бундан кўриниб турибдики, даромад солиғини тўлашдан озод этилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига маҳаллий инвестицияли ишлаб чиқариш корхоналари ва тижорат банклари кирмаган, хусусий банклар бундан мустасно.



**2-расм. Ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвеститцияларнинг технологик таркиби, жамига нисбатан % да[9]**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги иаълумотлари асосида тузилган.

Ҳудудлар кесимида жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмида қурилиш-монтаж ишларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Хоразм вилоятида кузатилди – 70,1 % ёки 10,4 трлн. сўм. Асосий капиталга инвестициялар умумий ҳажмида машина ва ускуна сотиб олишга йўналтирилган инвестицияларнинг энг юқори улуши Жиззах вилоятида кузатилиб, 56,9 % ни ёки 13,1 трлн. сўмни ташкил этди.


Мониторинг қилишни таъминловчи лойиҳа бошқарувининг Амалдаги солиқ тўғрисидаги қонунларга муайян ўзгаришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Мазкур ўзгартишлар муайян солиқ имтёзлари берилишини кўзда тутиши керак. Бу имтиёзларга ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш, модернизациялаш ва реконструкциялаш ҳамда янги техника ва технологияларни жорий этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар сметаси бўйича тўла ҳажмдаги барча харажатлар киритилиши керак. Бундай солиқ имтиёзи қуидаги ҳолларда белгиланиши лозим:

- агар корхона Ўзбекистон Республикасининг давлат инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида модернизациялансан;

- агар корхона солиқ имтиёзига эга бўлса, у мазкур имтиёз натижасида олинадиган маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаши керак. Ушбу маблағлардан муайян мақсадда фойдаланилмаган тақдирда, бизнинг фикримизча, мазкур корхона имтиёз суммасидан икки баравар кўп миқдорда жарима тўлаши керак.

Қишлоқ хўжалиги-6,6%, Тоғ-кон саноати 12,9 %, Ишлаб чиқариш саноати 29,3 %, Электр, газ билан таъминлаш 13,9 %, Қурилиш 5,5 %, Ташиб ва сақлаш 4,8 , ахборот ва алоқа 12 %, Кўчмас мулк билан операциялар 8,6 %, Таълим 1,3 %, Соғлиқни сақлаш 2,6 % ни, Бошқа фаолият турлари 12 % ни ташкил этади.


Бу бир томондан, ушбу молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш шарти билан сармояни жамлаш имконини берса, иккинчи томондан эса – уюшмага муайян солиқ имтиёзларини бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ана шу имтиёзлар ҳисобидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағлар шакллантирилади.



3-расм. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар хажмилаги улуси, % да

**Капиталга инвестициялар джиндили улуси, % да**  
**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридағи Статистика агентлиги иаълумотлари асосида тузилган.

Тижорат банклари бошчилигидаги солиқ тўловчиларнинг уюшмаси 4-расмда кўрсатилганилек тузилиши мумкин.



#### **4-расм. Тижорат банклари бошчилигидаги солиқ тўловчиларнинг уюшмаси таркиби**

Ушбу тадбирларни амалга ошириш қулай инвестиция мұхити яратиш, тижорат банклари бошчилигидаги солиқ түловчиларнинг уюшмаси ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таъминлаш учун молиявий маблағларни жамлаш мақсадида тузилади, деб таъкидлаш мумкин. Бироқ, жамлаш механизми самарали ишлаши учун тузилаётган уюшмага солиқ имтиёзларини бериш зарур, уларнинг маблағларидан инвестиция сифатида фойдаланилиши керак.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Инвестиция муҳитини ривожлантириш имкониятлари кўп жиҳатдан молиялаш манбаларини муваффақиятли қидириб топишга, инвестицияларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига кириб келишини назорат қилиш ва рағбатлантиришнинг эски механизмларини ислоҳ этиш ва янгиларини ишлаб чиқишига боғлиқ.

**Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуидаги хулосалар ва таклифларни бериш мақсадга мувофиқдир:**

1. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни инвестицияларни жалб этишда, инвестиция муҳитини давлат томонидан тартибга солишда монополияга қарши муҳитни яратишга, рағбатчиликни рағбатлантиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини кенг кўламда қўллаб-қувватлашга, самарали солиқ сиёсатини амалга ошириш зарур.

2. Қайта молиялаш ставкалари бўйича инвестицияларни асосий сармояга тақсимланиши бюджет маблағлари ҳисобидан инвестициялар кўпайишини, молиялаш манбалари сифатида бюджетдан ташқари фондлар инвестициялар умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғини ташкил этишини таъминлаб беради.

3. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш мақсади кўра, молиявий инвестиция манбалари чекланган бир шароитда молия-ишлаб чиқариш ўюшмаларини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида эса меъёрий ва хуқуқий базанинг такомиллаштирилиши зарур. Ушбу ўюшмалар таркибида тижорат банклари муҳим ўринни эгаллаши кеарк.

4. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасини пасайтиришга кўмаклашадиган пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш зарур, бу эса хўжалик юритувчи субъектларга инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун тижорат банкларининг кредит ресурсларини кўпроқ жалб этиш имконини беради.

5. Амалга оширилаётган инвестиция дастурларида иқтисодиёти таркибий жиҳатдан такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган истиқболли тармоқларда инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун пасайтирилган фоиз ставкаларини жорий этиш зарур.

6. Мамлакатимз ҳудудларида минтақавий инвестиция банкини яратиш орқали минтақавий даражада инвестиция муҳитини жонлантиришнинг зарур.

### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Абдурамонов Х.Х. (2018) *Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси йўналиши « инсон тараққиёти ва ҳалқаро таққослаш қўрсаткичлари» модули бўйича ўқув-услубий мажмуа.* – Тошкент.

Байхонов Б.Т., Бустонов М.М., Маҳмудов М.Ф. (2021) *Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Дарслик\|ОЎМТВ 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғига асосан дарслик сифатида нашр этишига тавсия этилган. Наманган.*

Қарор (2021) 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришининг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-72-сонли қарори.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-459-сонли қарори.

Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н., Жумаева Г. (2019) *Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма.- Т.: “Фан ва технология” нашиёти, - 234 бет.*

Рахматуллаев Б.А. (2022) *Иқтисодий ислоҳотлар шароитида акциядорлик жамиятларида капиталлар таркибини шакллантириши натижалари. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnalı. 6-сон.*